

БАРКАМОЛ ШАХСНИ ШАКЛАНТИРИШДА МАЪРИФАТ ОМИЛИНИНГ АҲАМИЯТИ

Тешабаева Лола Ариповна

Фарғона политехника институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6640618>

Аннотация. Мақолада бугунги кунга келиб маънавий маданиятни шакллантиришнинг айрим муаммоли масалалари баён қилинган. Муаллиф бу борада ижтимоий билимларнинг ўрни ва ижтимоий фанларни ўқитиш муаммоларига асосий этиборни қаратган.

Калит сўзлар: маърифат, маънавий камолот, маданият, Янги Ўзбекистон, тараққиёт стратегияси, илм-фан тараққиёти, ижтимоий билимлар.

В ФОРМИРОВАНИИ ИДЕАЛЬНОЙ ЛИЧНОСТИ ВАЖНОСТЬ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ФАКТОРА

Тешабаева Лола Ариповна

Ферганский политехнический институт

Аннотация. В статье описаны некоторые проблемные вопросы формирования духовной культуры на сегодняшний день. В связи с этим автор акцентирует внимание на роли социального знания и проблемах преподавания социальных наук.

Ключевые слова: просвещение, духовная зрелость, культура, Новый Узбекистан, стратегия развития, развитие науки, общественное знание.

IN FORMING A PERFECT PERSON THE IMPORTANCE OF THE EDUCATION FACTOR

Teshabaeva Lola Aripovna

Fergana Polytechnic Institute

Annotation. The article describes some of the problematic issues of the formation of spiritual culture to date. In this regard, the author focuses on the role of social knowledge and the problems of teaching the social sciences.

Keywords: enlightenment, spiritual maturity, culture, New Uzbekistan, development strategy, development of science, social knowledge.

Маълумки, маърифат деганда кишиларнинг дунёқарашини шакллантириш мақсадида турли билимларни тарқатиш ва тарғиб қилиш жараёни назарда тутилади. Бироқ шуни

назарда тутмоқ лозимки, ҳар қандай билимларни тарқатиш ҳам маърифат бўлиши мумкин эмас. Гап шундаки, инсоният тарихи давомида ижобий аҳамиятга эга бўлган билимлар билан бирга ғайриинсоний характердаги билим ва маълумотлар ҳам пайдо бўлади ва тўпланиб боради. Агар дастлабки тоифадаги билимлар одамзотни маърифат ва бунёдкорликка ундаса, кейинги тоифадагилари эса қўпоровчилик ва вайронкорликка ундайди. Худди шу боис барча турдаги билимларни тарғиб қилиш ҳам маърифат бўла олмайди.

Шундай экан, маърифат деганда инсонпарварлик моҳиятидаги билимларни тарқатиш, маданиятни ташвиқ этиш жараёни тушунилади, дейилса тўғрироқ бўлади. Ушбу тушунчани маданий-маърифий тадбирлар йиғиндиси маъносида ҳам талқин этиш мумкин. Айниқса ана шу йўналишда фаолият кўрсатадиган конрхона ва муассасалар худди шу маънода фойдаланиши табиий ва маълум маънода қулай ҳисобланади. Бироқ таъкидлаш лозимки маърифат тушунчасини мазкур маънода фойдаланиш назарий эмас, балки амалий талқин этишдан иборатдир.

Инсонни маънавий камолот томон етаклаш, жамиятни эса тараққиётга элтувчи ғоя ва билимлар, маданият ютуқларини тарқатиш маърифатнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Маърифат ижтимоий ҳаётнинг мураккаб соҳси сифатида муайян бир йўналишда амалга ошириладиган жараён эмас. Худди шу маънода амалдаги манба ва адабиётларда “сиёсий маърифат”, “ҳуқуқий маърифат”, “ахлоқий маърифат”, “диний маърифат”, “педагогик маърифат”, “экологик маърифат” каби тушунчалардан фойдаланилиши мутахассислар ва кенг жамоатчиликка маълум. Айни пайтда ана шу тушунчалар қаторида маданий маърифат тушунчаси ҳам ўзаро мулоқот чоғида кенг фойдаланилишини ҳам таъкидлаш мумкин. Ваҳоланки, шахс тарбияси ва уни шакллантиришда айнан шу тушунчанинг ўрни алоҳидадир.

Маданий маърифат тушунчаси инсоннинг маданий савиясини юксалтириш, унинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш мақсадида амалга ошириладиган маърифий фаолиятни акс эттиради. Унинг асосий вазифалари жамиятдаги шахс маданий савияси ҳақидаги тасаввурлар характерига, шу даврдаги ижтимоий эҳтиёжларга мос бўлишини тақозо этади.

Жамиятдаги муайян таркибий тузилмаларнинг мавжуд бўлиши ва фаолият кўрсатиши маданий маърифатнинг қарор топиши ва амалга оширилишининг асосий заминларидан биридир. У турли таълим ва маданият муассасалари, жамоатчилик ташкилотлари, ижодий бирлашмалар, кишиларнинг қизиқишлари асосида юзага келадиган турли ижтимоий гуруҳлар, клублар, кутубхоналар, ахборот марказлари, маданият уйлари сингарилардан таркиб топади. Музей, кинотеатр, театр ва бошқа маданият масканлари фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадлари ҳам маданий маърифатни қарор топтириш билан бевосита боғлиқ. Тарихий тараққиёт жараёнида эса маданий маърифат вазифаларининг ўзгариб туриши маълум маънода табиий ҳисобланади. Ваҳоланки, ушбу жараёнда жамиятнинг таркибий тузилмаларида рўй берадиган мажбурий ўзгаришлар мос равишда тузилмадаги янгиланишлар билан бирга унинг таркибий элементлари характери ва фаолиятининг ўзгача тус олиши учун ҳам сабаб бўлади.

Таъкидлаш зарурки, бугунги кунда Янги Ўзбекистонда мамлакатимиз ижтимоий тараққиётини кескин юксалтириш асосий стратегик мақсад этиб танланган бир пайтда юртдошларимизнинг маданий савиясини ҳам кўтариш айти дамдаги долзарб вазифалардан бири этиб белгиланди. Хусусан, бу тўғрида Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” асарида қуйидаги фикрга алоҳида урғу берилганлиги фикримизга ёрқин далил бўла олади: “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида...истикболда бу соҳада амалга оширишимиз керак бўлган устувор вазифалар Ўзбекистоннинг маънавий тараққиёт стратегияси ҳамда уни амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш давлат сиёсатининг таркибий қисмига айланишини тақозо этмоқда. Бу муҳим вазифа, ўз навбатида, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт ва бадиий ижодиёт соҳаларининг маънавий-маърифий тараққиётдаги таъсирчанлигини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирларни талаб қилади” [1;263].

Бу борада кейинги йиллар мобайнида айрим муаммоларнинг юзага келиб қолганлиги ҳам ана шундай жиддий муносабатда бўлиш ва Президентимиз алоҳида уқтирганидек, Ўзбекистоннинг маънавий тараққиёт стратегияси ва уни амалга ошириш дасурини ишлаб чиқиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, барчамизга сир эмаски, охирги ўн йилликлар дунё миқёсида ахборот технологияларининг шиддат билан мукамаллашуви билан бирга энг замонавий ахборот алмашинув воситаларининг турмушимизга оммавий равишда кириб келиши билан кўзга яққол ташланади. Натижада жаҳонда ахборот алмашинуви жараёни мисли кўрилмаган даражада ва миқдорда тезлашди. Айни пайтда тарқалаётган ахборотларнинг жозибadorлиги ошди. Эндиликда дунёнинг исталган бурчагида содир бўлаётган исталган турдаги янгиликдан яшин тезлигида хабардор бўлиш ёки ўз ахборотингиздан хабардор қилиш муаммо бўлмай қолди. Бошқача қилиб айтганда ахборот кейинги пайтда бир вақтнинг ўзида ҳам арзон, ҳам қиммат товарга айланиб қолдики, барча даврларда янгиликка ўч бўлган ёшлар қатлами вакилларининг эс-хушини ақл бовар қилиб бўлмайдиган даражада ўзига ошно қилиб олди, десак ҳеч бир муболаға бўлмайди. Сайёрамизни ўргимчак тўри сингари қамраб олган Интернет тармоқлари эса мазкур йўналишда беминнат хизмат кўрсатаётган жуда эпчил дастёрга айланиб қолдики, унинг хизматидан баҳраманд бўлмаётган кишини топиш мушкул бўлса керак бугунги кунда. Табиийки, бу умуман олган жуда ижобий ҳодиса. Чунки, агар бундан 30-40 йил илгари ахборотни бармоқ билан санарли даражадаги чекланган манбалардан олиш имконига эга бўлган бўлсак, бугунги кунга келиб бу имкониятларнинг чеки-чегараси қолмади. Бироқ масаланинг ташвишли томони ҳам борки, у замондошларимизнинг маънавиятига салбий таъсир этаётганлиги кўпчиликни ташвишга солмасликнинг иложи йўқ. Ана шундай ўйлантирадиган муаммолар қаторида китобхонлик маданиятининг пасайиб бораётганлигидир. Ёшларимиз орасида китобхонликка нисбатан қизиқишнинг сўниб бораётганлиги пировард оқибатда маънавиятсизликнинг авж олишига томон йўл очилишидан бошқа нарса бўлмаётганлигини бир қатор ҳаётий мисоллар ёрдамида тасдиқлаш мумкин. Ана шундай шароитда мамлакатимиз раҳбарининг китобхонлик маданиятини юксалтиришга қаратилган махсус фармонининг эълон қилиниши, шубҳасиз, яқин келажакда ўзининг ижобий самарасини бериши аниқ.

Бироқ айни пайтда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, маънавият соҳасидаги бирон бир муаммо яқка ўзи пайдо бўлиб, кўзга кўринмас ҳодиса сифатида мавжуд бўладиган нарса эмас. Балки бу жараён бир қатор турдош соҳалар билан боғлиқки, унинг пайдо бўлиши ҳам,

бинобарин, унинг олдини олиш ҳам ана шу соҳаларда ҳам бир қатор чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутди.

Ушбу ўринда назарда тутилатган муаммолар шуки, ушбу йўналишдаги муаммолар маълум маънода илмий билимларнинг қадрсизланиши, ахлоқсизлик элементларининг авж олиши, ғоявий бевурдликнинг илдиз отаётганлиги, экстремизм ва фундаментализм ғояларига берилиш ва шунингдек, уларнинг тарғиботига мойилликнинг кучайиши, айрим псевдоқадриятларнинг кириб келиши, енгил-елпи адабиёт ва санъат асарларининг урчиши сингариларда ўз аксини топади.

Шундай экан, жамиятда илм-фан устиворлигига эътиборни кучайтириш маънавий-маърифий ишлар мазмуни ва моҳиятини юксалтириш ҳамда таъсирчанлигини таъминлашнинг муҳим воситаларидан биридир. Зеро, шахс маънавиятини шакллантириш, унинг маданий савиясини ошириш, жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини англашда илм-фан омилидек самарали воситани топиш қийин. Шахс маданий савиясининг юксалиши, унинг турли ижтимоий иллатлар таъсиридан ҳимояланиши ҳам айнан илмий дунёқарашни шакллантириш билан узвий боғлиқдир. Жамиятда айнан илм-фан устиворлигининг таъминланиши, илм ва фанга даҳлдор қадриятларнинг улуғланиши маданий савияси юқори бўлган шахсни вояга етказиш учун реал шарт-шароит яратади.

Афсуски, мамлакатимизда узоқ йиллар давомида илм-фан устиворлигини таъминлашга қаратилган чоралар замон талабларига жавоб бермай келди. Бунинг давлат бюджетидан илм-фан ривожини учун ажратилган маблағлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Узоқ давр мобайнида “мамлакатимизда 300 дан ортиқ илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, тажриба-конструкторлик ташкилотлари, илмий-ишлаб чиқариш корхоналари, кичик инновацион мар-казлар ва бошқа илмий-техникавий тузилмалар фаолият кўрсатаётган” [2;168] бир шароитда илм-фанни ривожлантириш соҳасининг молиялаштирилиши талаб даражасидан ортда қолиб келди. Ваҳоланки, ривожланган мамлакатларда, бундай мақсадларга ялпи ички маҳсулотнинг анчагина қисми йўналтирилиши кенг жамоатчиликка яхши маълум. Илм-фанни ривожлантириш мақсадидаги ажратмаларнинг камлиги, бир томондан, илмнинг

жамиятдаги нуфузини пасайтириб юборган бўлса, иккинчи томондан, илм кишисининг жамиятдаги мавқеи ва обрў-эътиборига путур етказди, учинчи томондан эса, илмга интилувчан ёшлар сонини камайтирди. Илм билан шуғулланиш етарли даражада рағбатлантирилмай келганлиги боис илмий-тадқиқотларга қизиқиш анча сусайиб кетди. Олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатадиган профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти тушиб кетди. Бозор иқтисодиёти муносабатларининг таъсири остида кўпчилик ёшлар тирикчилик пайига тушиб яшашни маъқул кўра бошладилар. Олий таълимда ишлаётган кўпгина илмий даражали ўқитувчилар ҳам таълим даргоҳларини тарк этиб тадбиркорлик билан шуғулланишни маъқул кўра бошладилар.

Бироқ кейинги йилларда Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг ушбу масалага жиддий эътибор қаратишаётганлиги эвазига бу борадаги вазият ижобий томонга кескин ўзгара бошлаганининг гувоҳи бўямиз. Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан илм-фанни ривожлантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Президентимиз илм-фан устуворлигини таъминлаш, “етакчи олимлар, истеъдодли ёш илмий ходимлар-нинг фаолияти ва илмий тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш, жаиятда илм-фан намоёндаларининг обрў-эътибори ва нуфузини ошириш давлатимизнинг устувор вазифаларидан бири бўлишини” [2;176] қайта-қайта таъкидлашмоқда. Янги Ўзбекистон стратегиясида ҳам жамиятда илм ва фан устуворлигини таъминлашга хизмат қиладиган чоралар ўз ифодасини топган.

Масаланинг ана шу тарзда қўйилишининг бошқа бир томони борлигини ҳам шу ўринда эслатиш жоиздир. У ҳам бўлса, мамлакатимизда ижтимоий фанларнинг ўқитилишига нисбатан эътиборнинг кучайтирилишидир. Кейинги йилларда эса мамлакат олий, ўрта махсус ва ўрта таълим муассалари тизимида ижтимоий фанларнинг ўқитилишига нисбатан эътиборсизликнинг авж олиб бораётганлиги қайд этилган вазиятни яхшилашга хизмат қиладигани йўқ. Маънавиятнинг шаклланиши эса айнан ижтимоийнинг фанлар ўқитилиши билан бевосита боғлиқлиги барчамизга аён. Ана шундай шароитда шу пайтга қадар ўқитилиб келинган ижтимоий фанлар сони ва улар учун ажратилган соатлар миқдорининг кескин қисқартирилаётганлиги ёшларимиз дунёқарашини шакллантиришда келажакда муайян муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлиги



диққат марказимизда бўлиши лозим. Бундай ёндашув ижтимоий фанларнинг тарбиявий таъсир имкониятларини чеклаб қўяди. Ваҳоланки, айнан ижтимоий фанларгина жамият маънавиятида ахлоқ устуворлигини таъминлаш имконини берадиган асосий фанлар сирасига киришини таълим-тарбия тарихи яққол гувоҳлик беради. Жамиятда амал қиладиган ахлоқий нормалар эса шахс маънавий қиёфасини белгилаб беради, унинг маданий савиясини шакллантирадиган кучли восита ҳисобланади. Ҳеч қачон унутмаслик лозимки, жамиятда фақат ахлоқ устуворлиги таъминланган, ахлоқий кадриятлар улуғланган даврдагина маданий савияси баланд шахсни вояга етказиш мумкин бўлади.

Ўтган асрнинг охирига келиб фан ва техника тараққиётида кекин юксалиш рўй берди. Бунинг оқибатида, бир томондан, кўплаб янги касблар пайдо бўлди, иккинчи томондан, шу касбларга доир янги билимлар ҳам ву-жудга келди. Кишиларнинг янгиликларга мослашуви эса бироз муаммоли тус олганини ҳам таъкидлаш ўринли. Натижада замонга мослашиш учун қайта тайёрлов курсларини ташкил этиш зарурияти пайдо бўлди. “Тажрибадан маълумки,- деб ёзган эди профессор А. Чориев,- ўтган асрнинг 50-60-йилларида кишиларнинг ўрта махсус ёки олий ўқув юртларида олган билимлари бир умрга етар эди. 70-80-йилларга келиб, ўрта махсус ёки олий ўқув юртида эгалланган касбий билимларни ўзгартириш зарурияти кучайиб кетди.” [3;220].

Ижтимоий билимларга бўлган заруриятнинг ошиб бораётгани хусусида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин. Янги аср арафасида жаҳондаги вазият кескин ўзгарди. Жумладан, инсоният тарихининг аввалги босичларида мавжуд бўлмаган янги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий тенденция-лар пайдо бўлди, тараққиёт суръатлари тезлашди, миллатлараро, давлатлар-аро, шахслараро муносабатлар характери ўзгача тус олди. Мазкур жараёнлар-нинг туб моҳияти ва истиқболлари хусусида мулоҳаза юритиш, уларга муайян шахсий муносабатни шакллантириш эса замонавий ижтимоий билимларга нисбатан эҳтиёжнинг ошганлигини кўрсатмоқда.

Бу эса ижтимоий билимлар тарғиботига алоҳида эътибор қаратишни асосий вазифалардан бири этиб белгилади. Натижада айтиш мумкинки, мазкур йўналишда самарали тарғибот ишлари олиб борилди. Бу борада миллий истиқлол ғояси фанининг ишлаб чиқилиши, унинг мамлакат миқёсида барча таълим муассасаларида ўрганишнинг



йўлга қўйилиши, айниқса, аҳамиятли бўлди. Республика Маънавият ва маърифат марказининг ташкил этилиши ҳам ижтимоий билимлар тарғиботи учун мустақкам замин яратди.

Афсуски, кейинги йилларда ижтимоий билимлар тарғиботи борасидаги эътибор йил сайин камайиб бораётгани кузатилмоқда. Ижтимоий билимларни тарғиб қилишда тизимликка путур етмоқда, уларнинг тарғиботи учун масъул бўлган мутахассисларнинг интеллектуал салоҳиятини муттасил ошириб бориш лозимлиги масаласига эътибор камайиб кетди. Бундай камчиликлар, табиийки, ижтимоий билимларга бўлган зарурият ошиб бораётган бир шароитда уларнинг тарғиботини замон талабларига мослаштириш зарурлиги муаммосини юзага келтирмоқда.

Шундай экан, мамлакатимизда маданий-маърифий ишларни бошқариш тизимидан тортиб уларни амалга ошириш механизмларигача замон талаблари ва эҳтиёжларини тўлиқ инobatга олинган ҳолда йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқдир. Бунда, табиийки, уларни амалга оширишга қодир кадрларни тайёрлаш, маданий-маърифий ишларни амалга ошириш имконини берадиган замонавий тузилмалар тизимини янада такомиллаштириш, бу борада замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш чоралари тўғрисида қайғуриш айти муддаодир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти. 2022.
2. Мирзиёев Ш.М. Илм-фан ютуқлари Ватанимиз равнақига хизмат қилсин.// Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж.1.- Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Чориев А.Ч. Инсон фалсафаси. Мустақил шахс.Иккинчи китоб.- Т.: Chinor ENK, 2002.
4. Тишабаева Лола Арифовна Духовно-нравственное воспитание студентов в вузах Республики Узбекистан // Вопросы науки и образования. 2018. №1 (13). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/duhovno-nravstvennoe-vospitanie-studentov-v-vuzah-respubliki-uzbekistan> (дата обращения: 06.01.2022).



5. 21. Тишабаева Лола Арифовна Изучение истории в воспитании молодежи Узбекистана - один из важнейших вопросов // Вопросы науки и образования. 2018. №7 (19). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/izuchenie-istorii-v-vozpitanii-molodezhi-uzbekistana-odin-iz-vazhneyshih-voprosov> (дата обращения: 06.01.2022).

6. 22. Тешабаева Л. А. ВНИМАНИЕ К МЕДРЕСЕ ВО ВРЕМЕНА МИРЗО УЛУГБЕКА //Иновационное развитие современной науки. – 2021. – С. 38-43.

7. 23. Усманова З., Тишабаева Л. XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЧОРАГИДА МАРҒИЛОН ИПАКЧИЛИК САНОАТИ РИВОЖЛАНИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ //ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ. – 2020. – Т. 3. – №. 2.